

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.03.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ИСКАНДАРОВ ЭРКИН БУРИЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ҚУРИЛИШ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА
БАРҚАРОР ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИ
ТАЪМИНЛАШ**

08.00.03 – «Саноат иқтисодиёти»

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the Doctor of philosophy (PhD) dissertation abstract

Искандаров Эркин Буриевич

Ўзбекистон қурилиш саноати корхоналарида барқарор инновацион
ривожланишни таъминлаш..... 3

Искандаров Эркин Буриевич

Обеспечение устойчивого инновационного развития предприятий
строительной промышленности Узбекистана 29

Iskandarov Erkin Burievich

Ensuring sustainable innovative development in the construction industry of
Uzbekistan..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.03.05 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ИСКАНДАРОВ ЭРКИН БУРИЕВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРИЛИШ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА
БАРҚАРОР ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИ
ТАЪМИНЛАШ

08.00.03 – «Саноат иқтисодиёти»

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2020.1.PhD/Iqt1222 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdtu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Джабриев Акбарали Нормуродович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдурахманов Қаландар Ходжаевич
иктисодиёт фанлари доктори, академик

Икромов Мурат Акрамович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.03.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳар, Университет кўчаси, 2-уй. Тел: (99871) 246-46-00, e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.М.Махмудов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.С.Сайткамолов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, иктисодиёт фанлари буйича фалсафа доктори, доцент в.б.

Г.Ж.Аллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда ҳар қандай мамлакатнинг инновацион ривожланиши устувор аҳамият касб этади. Қурилиш саноатининг жаҳон ялпи ички маҳсулотигаги улуши тобора ортиб бормоқда. «Жаҳон ялпи ички маҳсулотнинг 7%дан 12%гача (ривожланган давлатларда) улуши қурилиш саноатига тўғри келиши ушбу соҳани барқарор инновацион ривожланишини таъминлашнинг қанчалик муҳимлигидан далолат беради»¹. Бугунги кунда қурилиш саноати ривожланган кўплаб мамлакатларда асосан инновацион сиёсатни амалга ошириш ва миллий инновацион тизимни шакллантириш бўйича тадбирларга эътибор қаратилмоқда. Шунингдек қурилиш саноатини ривожлантиришни молиявий ва ташкилий масалаларига устуворлик қаратилмоқда.

Дунё бўйлаб қурилиш саноатида барқарор инновацион ривожланишни таъминлаш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида инвестиция ва қурилиш жараёнининг энг муҳим босқичи бўлган қурилиш мажмуаси алоҳида аҳамият касб этади. Шу сабабли ушбу соҳадаги инновацион жараённинг фаоллашуви капитал қурилиш объектларини ўз вақтида эксплуатацияга топшириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишни таъминлайди. Глобаллашув, инновация ва халқаро интеграция жараёнларини ривожланиши инновация турларини тартибга олинишига ва халқаро стандартларни яратилишига олиб келди. Инновацион фаолиятнинг якуний мақсади қурилиш саноати корхоналарида инновацияларни тижоратлаштириш, инновацион технологияларга асосланган бозорбоп ва талабга жавоб берувчи иссиқсақловчи ва зилзилабардош қурилиш материаллари, қурилиш лойиҳаларини қўллаш асосида қурилиш комплексини ривожланишини таъминлаш бўйича устувор мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда қурилиш мажмуаси мамлакатимиз иқтисодиётнинг муҳим тармоғи сифатида ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг ажралмас қисми бўлгани сабабли бу соҳани ривожлантириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қурилиш саноатида амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг бошқариш йўналишидаги ўзгаришлар, қурилиш саноатининг истеъмол сифатини яхшилаш бўйича янги технологияларни жорий этиш, архитектура ва режалаштириш ечимларига қаратилган. Бугунги кунда қурилиш санатини барқарор инновацион ривожланишини таъминлаш бўйича вазифалар ечимини топиш кўп жихатдан илмий тадқиқотларни амалга оширишни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Рейтинг стран мира по уровню валового внутреннего продукта – [Электронный ресурс] URL: <https://gtmarket.ru/ratings/gross-domestic-product-ranking>

харакатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ва 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сонли «Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сонли «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сонли «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари шунингдек, ушбу соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Демократик-ҳуқуқий жамиятнинг маънавий-ахлоқий ҳамда илмий-техникавий инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Инновацион ривожлантириш муаммоларининг турли йўналишлари К.Аллен, Д.Белл, П.Дракер, Б.Лундвал, Р.Нелсон, Й.Шумпетер, С.Д.Иленков, Н.Мазур, В.Иванова, Р.Фатхудинов² ва бошқа олимлар асарларида тақдим этилган.

Иқтисодий ўсишни инновацион ривожланиш концепциясини таъминловчи макроиқтисодий моделлар механизмлари таниқли олимлар Г.Менш, Ж.Форрестер, Э.Дихтл, С.Радошевич ва шу билан бирга, И.Ансофф, А.Плотников ва бошқалар³ ўз илмий ишларида рақобатбардошликни ривожлантиришда инновациянинг таъсирини ўрганилган.

Ўзбекистон Республикасида қурилиш комплексининг инновацион ривожланиши ва унинг моддий-техник базаси иқтисодий самарадорлигини

² Аллен К. Продвижение новых технологий на рынок. – М.: БИНОМ. Лаборатория знаний, 2009. – 455 с/ Bell, D.G. Knowledge markets and communities: two approaches for supporting product development teams. Invited talk at the Fordham Graduate School of Business CEUG Consortium. / D.G. Bell; 2011. –New York, NY/ П.Дракер «Эффективное управление предприятием»2018. стр 35/ Lundvall, B.A. National Systems of Innovation: Towards a Theory of Innovation and Interactive Learning / B.A. Lundvall. London: Pinter Publishers, 2002;/ Р.Нелсон Эволюционная теория экономических изменений. 2002. стр. 500 /Шумпетер Й.А. История экономического анализа. / Й.А.Шумпетер; Пер. с англ. под ред. В.С.Автономова. СПб.: Экон. шк.: С.-Петербург. гос. ун-т экономики и финансов; М. Высш. шк. экономики, 2001. - 1664 с.:/ С.Д.Иленков Диалектика абстрактного и конкретного в "Капитале" Маркса, 2017. стр. 250 Мазур Н.З. Инновационная экономика: инновационные системы. Интеллектуальная собственность / Н.З. Мазур. –Самара: Издательство СНИЦ РАН», 2001/ Иванова В.В. Национальные инновационные системы: теория и практика. М.: ЦИПРАН РАН, 2006. – 280с./ Фатхудинов, Р.Ф. Инновационный менеджмент / М., 2016.стр. 50

³Менш Г. О динамике технического прогресса // Журнал экономики предприятия, №41, 1971. С. 295-314. [Mensch, Gerhard: Zur Dynamik des technischen Fortschritts. In: Zeitschrift für Betriebswirtschaft 41 (1971), S. 295 – 314/ Ж.Форрестер Мировая динамика 2003. стр. 5/ Э.Дихтл «Экономика предприятия» 1999 стр. 45/ Radosevic S. Region Innovation Systems in Central and Eastern Europe: Determinants, Organizers and Alignments. –Brighton: University of Sussex, 2012./ И.Ансофф Стратегическое управление. 1989. стр. 50 / А.Плотников «Проектирование зданий и сооружений при аварийных взрывных воздействиях» 2022. стр. 65

ошириш муаммолари С.С.Ғуломов, Н.М.Махмудов, Ш.Н.Зайнутдинов, М.К.Зияев, Р.И.Нуриббетов, Б.Д.Кальметов, В.А.Казимов, Р.И.Гимуш, С.М.Ниязов, А.Суюнов, Э.Х.Махмудов, Ш.К.Курбаниязов, М.А.Икрамов, М.А.Маҳкамова, А.Ф.Расулев, Г.Ж.Аллаева⁴ ва бошқа олимларнинг асарларида ўз аксини топган.

Муаллиф томонидан илмий мақолалар ва илмий-методик ишланмаларни тизимли равишда ўрганиш шуни кўрсатдики, ушбу соҳадаги тадқиқотлар муҳим қимматга эга эканига қарамасдан, ҳозирги кунда мамлакатимизда инновацион фаолиятни ривожлантириш, инновацион бошқарув усуллари ва инновацион кластер технологияларини жорий этиш бўйича илмий тадқиқотлар кенг жорий қилинмаган. Шу билан бирга, қурилиш соҳасида инновацион ривожланишни фаоллаштириш тизимли ёндашувга асосланган мустақил тадқиқот объекти сифатида тўлиқ ўрганилмаган. Шунинг учун муаллиф томонидан танланган диссертация мавзуси мазкур илмий муаммонинг долзарблигини тасдиқлайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига билан боғлиқлиги.

Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура ва қурилиш институти институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Қурилиш саноати корхоналарини инновацион ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодий рақамли ривожлантириш шароитида республика қурилиш саноати корхоналарини барқарор инновацион ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

⁴ Ғуломов С.С. «Менеджмент асослари». Дарслик. – Т.: 2010. 316 б.; Махмудов Н.М., Хамидов С.О., Авазов Н.Р., «Инвестициялардан самарали фойдаланиш асосида саноат тармоқларини ривожлантириш». Монография. Тошкент 2020й / Зайнутдинов Ш.Н., Ресурсная база и потенциал производство Узбекистана: использования и эффективность (региональный аспект) // Бюллетень науки и практики. Электрон.журн. 2017. №10 (23). С. 207-212. / Зияев М.К., Давлетов И.Х. Совершенствование управления инвестиционно-строительным процессом в условиях углубления рыночных отношений // Инвестиционный потенциал банков: вызовы, возможности и перспективы: Матер. межд. науч.-практ. конф. БФА РУз, 26-27 сентября 2008 г. – Ташкент: «Молия», 2008. - С.46-49/ Нуриббетов, Р. И. (2016). Стратегическое управление и ресурсное обеспечение предприятий промышленности строительных материалов в Низовьях Амударьи. Успехи современной науки, 4(10), 74-78./ Кальметов Б.Д., Казимов В.А., Гимуш Р.И. Углубление экономических реформ в строительном комплексе Узбекистана. Монография Ташкент, 2006. 186 с/ Ниязов С.М. Экономическое реформирование производственно-технической базы строительства.-Т.: Изд-во«Fan va texnologiya», 2010.-176с/ Суюнов А. Модернизация экономики капитального строительства на основе совершенствования инвестиционных процессов.- Т.: «Fanvatexnologiya», 2010.-164 с/ Махмудов Э.Х. Промышленность Узбекистана: экономика, размещения, приоритеты развития (вопросы теории и практики) Ташкент: Иктисодиёт, 2013. 131 с/ Курбаниязов Ш.К. Производство строительных материалов на современном этапе экономического развития Узбекистана. //Biznes-эксперт, 2017 йил, №11(119). (08.00.00; № 3)/ Икрамов М.А. , Алимов Е.А. Формирование спроса , как фактор инновационного развития Узбекистан. Материалы международной конференции. «Экономический рост России: проблемы и стратегические перспективы», с . 38-44 / Махкамова М.А. Теория инновационного менеджмента. Монография. –Ташкент, «Фан ва технология», 2019/ Расулев А.Ф., Алимов Р. Стимулирование инновационной активности в экономике // Общество и экономика. –М.:/ Аллаева, Г. Ж. Эколого-экономические аспекты развития традиционной и альтернативной энергетики в мире и Узбекистане / Молодой ученый. — 2018. — № 18 (204). — С. 289-293. — URL: <https://moluch.ru/archive/204/49652/> (дата обращения: 02.01.2022).

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

иқтисодийни модернизациялаш шароитида қурилиш саноати корхоналари инновацион ривожланишининг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш;

республика қурилиш тармоғи корхоналарининг инновацион ривожланишида ўзига хос жиҳатларни белгилаш;

қурилиш материаллари тармоғида инновацион фаол корхоналарда бошқарувни такомиллаштириш йўллари аниқлаш;

глобаллашув шароитида қурилиш материаллари саноати корхоналарининг барқарор ва инновацион ривожланишининг асосий йўналишларни аниқлаш;

қурилиш материаллари саноати корхоналарида инновацион ривожлантириш бўйича тавсиялар ва таклифларни шакллантириш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб 12-Трест акциядорлик жамияти қурилиш саноати корхонаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини қурилиш саноати корхоналарида инновацияларни кучайтириш жараёнидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мазкур тадқиқотда илмий ва мантиқий фикрлаш, эксперт баҳолаш, статистик ва қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қурилиш саноати корхоналарининг инновацион салоҳиятини баҳолашда илмий-тадқиқот ишлари, технологик ва инновациялар натижавийлиги ҳамда инновацияларнинг турмуш даражасига таъсири салоҳиятларини интеграл баҳолаш бўйича «мутлақо юқори» (80-100), «меъёрий юқори» (60-79), «барқарор» (30-59), «ўртача хавфли» (10-29) ва «хавфи юқори» (0-9) фоиз чегаралари доирасида баҳолаш асосланган;

қурилиш саноатини инновацион-иқтисодий ривожланишини таъминловчи «беш томонлама спираль» қурилиш кластерини мақсадга мувофиқли асосланган ва уларда инновацион салоҳиятини ташкилий-технологик дифференциацияси бўйича баҳолаш таклиф этилган;

маҳаллий хомашё ресурсларидан фойдаланиш асосида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатини 2027 йилга қадар иқтисодий ривожлантиришнинг сценарийлари ишлаб чиқилган.

қурилиш саноати корхоналарининг моддий-техник воситаларидан рационал фойдаланиш даражалари бўйича ички ва ташқи омиллар асосида тизимлаштирилган инновацион лойиҳалар портфели таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

республика иқтисодийнинг ҳозирги ривожланиши шароитида қурилиш саноати корхоналарининг инновацион салоҳияти таркибини ташкил этувчи илмий салоҳиятга эга кадрларнинг етишмаслиги асосланган;

қурилиш жараёнини ташкил этишда ишлаб чиқариш ва инновацион кластернинг асосий иштирокчилари аниқланган ва уларнинг энг муҳим вазибалари белгиланган;

амалий фойдаланиш учун қурилиш саноати корхоналарида инновацион портфелларни шакллантириш ва сақлаш методикаси ишлаб чиқилган;

қурилиш ишлаб чиқариш тармоғининг комплекс ривожланишини таъминлаш мақсадида «шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимини амалга ошириш негизида инновацион ривожланиш фаолиятини ташкил этиш методикаси ишлаб чиқилган;

қурилиш саноати корхоналарида инновацион ишлаб чиқариш кластерини яратишнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўлланилган ёндашувлар ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва 12-Трест акциядорлик жамиятидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва тавсияларнинг ваколатли тузилмалар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган илмий-назарий таклиф ва тавсиялар, Ўзбекистон Республикасининг қурилиш саноати корхоналаридаги барқарор инновацион ривожланишга оид илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда, «Қурилиш корхоналари иқтисодиёти», «Корхона иқтисодиёти» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қурилиш саноати корхоналарида барқарор инновацион ривожланиш омилларини аниқлаш ва уларни баҳолаш, қурилиш саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш, корхоналарда барқарор инновацион ривожланиш механизмининг такомиллаштириш, тармоқ корхоналарини ривожлантиришга оид комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши қурилиш саноати корхоналарининг барқарор инновацион ривожланишини таъминлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қурилиш саноати корхоналарининг инновацион салоҳиятини баҳолашда илмий-тадқиқот ишлари, технологик ва инновациялар натижавийлиги ҳамда инновацияларнинг турмуш даражасига таъсири салоҳиятларини интеграл баҳолаш бўйича «мутлақо юқори» (80-100), «меъёрий юқори» (60-79), «барқарор» (30-59), «ўртача хавфли» (10-29) ва «хавфи юқори» (0-9) фоиз чегаралари доирасида баҳолаш таклифи Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги томонидан қурилиш материаллари саноати соҳасида фаолият юритувчи корхоналар фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлигининг 2022 йил 06 июндаги 08-08/6919-сон

маълумотномаси). Натижада, соҳада фаолият юритувчи минтақадаги қурилиш материаллари саноати корхоналари самарадорлигини 10-12 фоизга оширишга эришилган;

қурилиш саноатини инновацион-иқтисодий ривожланишини таъминловчи «беш томонлама спираль» қурилиш кластерини мақсадга мувофиқли асосланган ва уларда инновацион салоҳиятини ташкилий-технологик дифференциацияси бўйича баҳолаш таклифи Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлигининг 2022 йил 16 июндаги 08-08/6919-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Ўзбекистон Республикасида соҳа корхоналарининг ўртача йиллик даромади 14 фоизга ошиши имконияти яратилган;

маҳаллий хомашё ресурсларидан фойдаланиш асосида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатини 2027 йилга қадар иқтисодий ривожлантиришнинг сценарийлари таклифи Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлигининг 2022 йил 16 июндаги 08-08/6919-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида қурилиш саноати корхоналарининг самарадорлигини ошириш ва улар ҳажмининг ўсиш суръатларини таъминлайдиган тадбирларни танлаш имконияти яратилиб, корхонада қурилиш ишлаб чиқариш ҳажми 2027 йилга бориб 32,1 фоизга ошиши аниқланган;

қурилиш саноати корхоналарининг моддий-техник воситаларидан рационал фойдаланиш даражалари бўйича ички ва ташқи омиллар асосида тизимлаштирилган инновацион лойиҳалар портфели таклифи Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги томонидан қурилиш материаллари саноати соҳасида фаолият юритувчи корхоналар фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлигининг 2022 йил 16 июндаги 08-08/6919-сон маълумотномаси). Натижада қурилиш материаллари саноати корхоналарининг барқарор ривожланиш кўрсаткичларининг 20 фоизга ўсишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола нашр қилинган бўлиб, улардан 3 та маҳаллий ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган. Халқаро ва республика конференцияларда 5 та тезис чоп этилган.

Диссертациянинг таркибий тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 152 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва тадқиқотнинг илмий янгилиги тавсифланган, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қурилиш саноати корхоналарида барқарор инновацион ривожланишнинг назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида корхоналарни барқарор инновацион ривожлантиришнинг моҳияти ва муҳим элементлари, қурилиш саноати корхоналари барқарорлигини шакллантириш мезонлари ва омиллари ҳамда замонавий шароитларда корхона ривожланишининг стратегик барқарорлигини таъминлаш масалалари ёритиб берилган.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, барқарор ривожланиш ҳақидаги биринчи, фундаментал ғояни Г.Х.Брундтланд 1987 йилда Рио-де-Жанейрода атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Халқаро комиссиянинг ҳисоботида тақдим этган. У:»Барқарор ривожланиш-бу келажак авлодларнинг эҳтиёжларини қондириш қобилиятини бузмасдан, ҳозирги замон эҳтиёжларини қондиришдир»⁵,-деган эди. Баъзи тадқиқотларда⁶, барқарор ривожланиш – ижтимоий-экологик-иқтисодий тизим, яъни ташқи омилларнинг ўзгаришига қарамасдан ўзини ўзи таъминлайдиган яхлит тизим сифатида қаралади ва бир қатор тадқиқотчилар корхонанинг барқарор ривожланиши бу жараён ёки ўзгариш жараёни деб ҳисоблашади⁷, баъзи тадқиқотчилар «мувозанат» ёки «уйғунлик» каби муҳим хусусиятларни таъкидлайди⁸.

Ишлаб чиқаришдаги инновацион жараён фундаментал ва амалий тадқиқотлар, илмий-тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишланмалар, маркетинг, ишлаб чиқариш ва амалга ошириш орқали маҳсулотдаги ғоялар, янгиликлар, инновацияларнинг мақсадли ва тизимли ўзгартириш сифатида тавсифланади⁹.

Саноат қурилиш корхоналарининг инновацион ривожланишини такомиллаштириш, қурилиш корхоналарининг инновацион салоҳиятини

⁵Доклад Всемирной комиссии по вопросам окружающей среды развития."Наше общее будущее". <https://www.un.org/ru/ga/pdf/brundtland.pdf>.

⁶Артюхов, В. Закономерности, системные аналоги и теоретические основы мониторинга глобального кризиса, свидетелями и участниками которого мы являемся // Интерфакс-Эра. –Режим доступа: <https://interfax-era.ru/metodologiya/analiticheskiehttps://interfax-era.ru/metodologiya/analiticheskie-obzory/monitoring-globalnogo-krizisaobzory/monitoring-globalnogo-krizisa>.

⁷Анохин С.Н. Исследование стратегий экономической устойчивости промышленных предприятий (на примере предприятий машиностроения и металлообработки): автореф. дис. ...канд. экон. наук: 08.00.05– Саратов: Саратовский государственный социально-экономический университет, 2003. – 24 с.

⁸ Абалкин, Л.И. Новая парадигма устойчивого развития России (комплексное исследование проблем устойчивого развития) / Л.И.Абалкин. – М.: Академия, 2009. – 152 с.

⁹ Егоров Е.Г. Научно-инновационная система: структура, функции и перспективы развития / Е.Г. Егоров. - М.: Асадемия, 2002. - 216 с.

баҳолаш методикасини шакллантириш заруратини пайдо қилади. Жумладан, қурилиш корхонасининг инновацион салоҳияти – корхонанинг инновацион фаолиятини амалга ошириш қобилиятини тавсифловчи ўзига хос кўрсаткичдир. У тадбиркорлик субъектининг потенциал имкониятларини кўп босқичли, комплекс тавсифлаш деб ҳисобланиши керак. Бир қатор тадқиқотларда инновацион салоҳият тоифаси ресурслар тўплами сифатида талкин этилади. Корхонанинг инновацион салоҳияти кўрсаткичларининг таркиби ва тузилиши масаласида корхонанинг инновацион ўсиш имкониятларини тўлиқ тавсифловчи зарур ва етарли миқдордаги кўрсаткичларни тақдим этиш мақсадга мувофиқдир. Корхонанинг инновацион фаолиятини амалга ошириш қобилияти, унинг кўлами ва миқдорини белгиловчи омиллар, биринчи навбатда, корхонанинг илмий-тадқиқот салоҳияти, корхонанинг техникавий салоҳияти, инновациялар натижавийлиги салоҳияти ва инновацияларнинг турмуш даражасига таъсири салоҳиятидир. Шунинг учун корхонанинг инновацион салоҳиятини ташкил этувчи функционал гуруҳларни корхонанинг илмий-тадқиқот салоҳияти орқали ушбу корхонадаги илмий фаолият билан шуғулланувчи ишчи ва ходимлар, илмий даражага эга ишчи ва ходимлар ва корхонада бажарилаётган илмий тадқиқот ишлари кўрсаткичлари умумлаштирилади (1-жадвал).

Корхонанинг илмий-тадқиқот салоҳияти асосида корхонадаги ходимларнинг маълумоти, малакаси, иш тажрибаси, билим даражаси, новаторлик қобилиятлари ва бошқа шу каби қобилиятлари аниқланади. Шубҳасиз, агар корхонада юқори даражадаги маълумотга эга, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўзини ўзи англаш истаги бор, узларининг интеллектуал даражасини фаол равишда оширадиган ходимлар бўлса, у ҳолда корхонада инновацион ривожланиш векторини ўрнатиш янада муваффақиятли бўлади. Бундан ташқари, илмий-тадқиқот салоҳияти корхона инновацион салоҳиятининг ажралмас қисми сифатида корхонада яратилган илмий-тадқиқот лойиҳалари, интеллектуал мулк объектлари, корхонанинг номоддий активлари ҳажмини интеллектуал фаолият натижалари сифатида акс эттириши керак. Корхона ходимларининг юқори интеллектуал даражаси, агар улар тўғри бошқарилмаса, самарасиз бўлиши мумкин, бу борада баъзи тадқиқотчилар бошқарув компонентларини алоҳида ташкилий ва бошқарув салоҳияти сифатида ажратиб кўрсатишади.

Корхонанинг инновация даражаси ёки кўрсаткичи унинг янгиликни инновацияга айлантириш қобилиятини ёки «амалий фойдаланиш соҳасига киритилиши ва инновациялардан фойдаланувчи фаолиятининг якуний натижаларини тавсифловчи кўрсаткичларнинг ижобий ўзгариши»ни аниқлайди¹⁰.

Тизимли ёндашув турли хил омилларни корхоналарнинг инновацион фаолиятига таъсирини ҳисобга олишдир, яъни атроф муҳит омиллари ва ички

¹⁰ Агарков С.А. Инновационный менеджмент и государственная инновационная политика / С.А. Агарков, Е.С. Кузнецова, М.О. Грязнова. - Москва: Изд-во «Академия Естествознания», 2011. - 143 с.

омиллар. Ўтказилган тадқиқотларда инновацияларни таснифлашнинг ҳар хил турлари мавжуд¹¹. Шу билан бирга жараён ва маҳсулот инновацияларини ҳамда ташкилий ва маркетинг инновацияларини ўз ичига олган технологик бўлмаган инновацияларга бўлинади.

1-жадвал

Корхонанинг инновацион салоҳияти таркибий қисмлари¹²

| № | Кўрсаткич | Формула | Тавсифи |
|----|--|------------------|--|
| 1 | Корхонанинг илмий-тадқиқот салоҳияти | $Иф.у=Ии.ф./И$ | Иф.у - илмий фаолият билан шуғулланувчи ишчи ва ходимлар улуши; Ии.ф. - илмий фаолият билан шуғулланувчи ишчи ва ходимлар сони. |
| 2 | | $Ии.у=Ии.д./И$ | Иф.у - илмий даражага эга ишчи ва ходимлар улуши; Ии.ф. - илмий даражага эга ишчи ва ходимлар сони. |
| 3 | | $Ти.у=Ти.и/Х$ | Ти.у -илмий тадқиқот ишлари улуши; Ти.и -илмий тадқиқот ишлари ҳажми; Х -жами ишлаб чиқариш ҳажми. |
| 4 | Корхонанинг технологик салоҳияти | $Кя=Қк/Қб$ | Кя -асосий фондларнинг яроқлилик коэффициенти; Қк -асосий фондларнинг қолдиқ кўрсаткичи; Қб -асосий фондларнинг бошланғич кўрсаткичи |
| 5 | | $Қк=Аб-Ай$ | Қк -асосий фондларнинг қолдиқ кўрсаткичи; Аб -амортизация ажратмаларининг бошланғич қиймати; Ай - амортизация ажратмаларининг йиғилган қиймати. |
| 6 | | $Ая=Ак/Ао$ | Ая -асосий фондларнинг янгиланиш коэффициенти; Ак -асосий фондларнинг киритилиш қиймати; Ао -асосий фондларнинг давр охиридаги қиймати. |
| 7 | | $Хи.к=Хт.и/Ха.и$ | Хи.к -Инновацияларга қилинган харажатлар коэффициенти; Хт.и -техник инновацияларга қилинган харажатлар; Ха.и -жами амалий тадқиқотлар ва ишланмалар учун қилинган харажатлар. |
| 8 | | $Ха.к=Ха.и/Хж$ | Ха.к -амалий тадқиқотлар ва ишланмалар учун қилинган харажатлар коэффициенти; Ха.и -жами амалий тадқиқотлар ва ишланмалар учун қилинган харажатлар; Хж -жами қилинган харажатлар. |
| 9 | Инновациялар натижавийлиги салоҳияти | $Иу=Их/И.х$ | Иу -инновацияларга киритилган инвестициялар улуши; Их -киритилган инвестициялар ҳажми; И.х -ишлаб чиқариш ҳажми. |
| 10 | | $Им.у=Им/Мя$ | Им.у -яратилган маҳсулот ва хизматларда инновацион маҳсулотларнинг улуши; Им -инновацион маҳсулотлар миқдори; Мя - жами яратилган маҳсулот ва хизматлар. |
| 11 | Инновацияларнинг турмуш даражасига таъсири салоҳияти | $Хи.т=Ит.х/И$ | Хи.т -ҳар бир ходимга тўғри келувчи инновацион товар ва хизматлар улуши; Ит.х - инновацион товарлар ва хизматлар миқдори. |

Корхоналарнинг инновацион фаолиятини янада ривожлантириш ишлаб чиқариш қобилиятига, замонавий технологияларни қўллаш ва тижоратлаштиришга имкон беришига боғлиқ.

Қурилиш тармоғида мавжуд вазиятни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда қурилиш саноатининг барқарор инновацион ривожланиши

¹¹ Уткин, Э.А. Инновационный менеджмент / Э.А. Уткин, Н.И. Морозова, Г.И. Морозова. - М.: Акалис, 1996. – 400с.

¹² Муаллиф ишланмаси

тизимини шакллантириш бўйича илмий тадқиқот ишларнинг блок схемаси куйида келтирилган (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон қурилиш саноатининг барқарор инновацион ривожланиши тизимини шакллантириш бўйича илмий тадқиқотларнинг блок схемаси¹³

Диссертацияда миллий инновацион тизимни шакллантиришда қурилиш саноати ривожланишининг замонавий ҳолати кўриб чиқилиб, у инновацион ривожланиш стратегиясини аниқлаш, инновацион фаолият натижаларини макро таҳлил қилиш ва баҳолашни яқунлашдан бошлаб етакчи рол ўйнаганлиги аниқланди. Давлатнинг инновацион сиёсати инновацион жараёнга жалб қилинган барча субъектларнинг иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришни таъминлашга йўналтирилган.

Албатта, инновацион сиёсатни амалга ошириш ва миллий инновацион тизимни шакллантириш бўйича тадбирлар аксарият давлатлар томонидан тартибга солиш ҳамда молиявий ва ташкилий тадбирларни амалга оширади (2-жадвал).

Келтирилган 2-жадвал маълумотларига асосан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган асосий турдаги қурилиш материаллари ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар келтирилган бўлиб унга кўра ўрганилаётган давр мобайнида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3,1 мартага, мос равишда мазкур даврда қурилиш ишлари ҳажми 3,1 мартага кўпайган, мамлакатнинг экспорт ҳажми 32 фоизга, импорт

¹³ Муаллиф ишланмаси.

ҳажми эса 82 фоизга ортган. Ушбу даврда асосий капиталга киритилган инвестиция ҳажми ҳам 3,3 мартага кўпайганлигини кўришимиз мумкин.

2-жадвал

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган асосий турдаги қурилиш материаллари бўйича кўрсаткичлар¹⁴

| Асосий турдаги қурилиш материалларининг номи | 2017 йил | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил | 2021 йил | 2021 йил 2017 га нисбатан динамикаси (%) |
|--|----------|----------|----------|----------|----------|--|
| Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, млрд.сўм. | 148816,0 | 235340,7 | 322535,8 | 368740,2 | 456056,1 | 3,1 марта |
| Қурилиш ишлари ҳажми, млрд.сўм. | 34698,0 | 51129,3 | 71156,5 | 88130,3 | 107492,7 | 3,1 марта |
| Экспорт, млн.долл. | 12553,7 | 13990,7 | 17458,7 | 15102,3 | 16662,8 | 132 |
| Импорт, млн.долл. | 14012,4 | 19439,3 | 24292,3 | 21153,8 | 25507,7 | 182 |
| Асосий капиталга киритилган инвестиция млрд.сўм. | 72155,2 | 124231,3 | 195927,3 | 210195,1 | 239552,6 | 3,3 марта |
| <i>шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар</i> | 122,4 | 243,1 | 680,4 | 1033 | 1135 | 9,3 марта |
| Асосий маҳсулотлар | | | | | | |
| Цемент, млн. тонна | 9 132,2 | 9 203,8 | 10 990,5 | 12 537 | 16362,3 | 179,2 |
| Қурилиш ойнаси (флоат-ойна), млн.тонна | 12,9 | 16,3 | 18,9 | 20,3 | 22,4 | 173,6 |
| Керамик плитка, млн. кв.м. | 9,7 | 16,2 | 16,5 | 18,7 | 20,2 | 2,1 марта |
| Гипскартон плиталари, млн.кв.м. | 29,8 | 41,2 | 59,9 | 65,9 | 63,2 | 2,1 марта |
| Қурук қурилиш аралашмаси, млн.тонн. | 254,1 | 466,5 | 846,7 | 744 | 854,3 | 3,4 марта |
| Оҳак, млн.тонна. | 310 | 343,2 | 329,9 | 285 | 348,4 | 112,4 |
| Обой (гулқоғоз), млн.рулл. | 20,1 | 136,2 | 733,6 | 1 000 | 1154,2 | 57,1 марта |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сонли «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра бугунги кунда қурилиш саноатида 2019-2025 йилларда маҳаллий хом ашё геология-қидирув ишларини олиб бориш, қазиб олиш ва қайта ишлаш асосида қурилиш индустриясининг хом ашё базасини кенгайтириш прогноз кўрсаткичлари ҳамда 2019-2025 йилларда диверсификация қилиш ва маҳсулот турларини кенгайтириш ҳисобига қурилиш индустриясининг хом ашё базаси ҳажмларини оҳактош бўйича-13,1 млн тоннага, гипс тоши бўйича-1,8 млн

¹⁴ Жадвал маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

тоннага, лойсимон компонентлар, ғишт хом ашёси, кварц куми бўйича-1 млн тоннага, кўчган тоғ жинслари (базальт) бўйича-0,1 млн тоннага, тош-шағал материаллар бўйича-5,6 млн метр кубга етказиш; ишлаб чиқариш ҳажмларини обойлар бўйича-7 баробардан ортиқ ҳажмга, йиғилган паркет панеллари ва плиталари бўйича-19 баробарга, ёғоч қириндили плиталар ҳамда ёғоч ва бошқа ёғочбоп материаллардан тайёрланган плиталар бўйича-15 баробарга, газбетон блоклари бўйича-7 баробарга, лак-бўёқ материаллари ҳамда энергия ва иссиқликни тежовчи флоат-технология асосида ишлаб чиқарилган архитектура-қурилиш ойнаси бўйича-4 баробарга, базальтдан тайёрланадиган композит арматура бўйича-3 баробарга ва цемент бўйича-2 баробарга ошириш режалаштирилган.

«Миллий иқтисодий инновацион ривожлантириш шароитида қурилиш саноати корхоналарининг аҳамияти ва вазифалари» бўлимида сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида бир қатор ижобий барқарор тенденциялар мавжудлиги билан ажралиб туради.

Қурилиш саноатининг ривожланишига турли хил ташқи ва ички омиллар таъсир кўрсатмоқда: урбанизация, шаҳар қурилиши учун янги талаблар, қурилишни рақамлаштириш ва бошқалар. Ушбу масалалар ечими қурилиш саноатининг инновацион ривожланиши асосида амалга оширилиши мумкин.

Диссертациянинг «**Технологик модернизациялаш шароитида қурилиш саноати корхоналарининг барқарор инновацион ривожланиш холати**» деб номланган иккинчи боби қурилиш саноати корхоналарининг барқарор инновацион ривожланишини баҳолаш ва таҳлилини амалга оширишга йўналтирилган.

Тадқиқотнинг объекти бўлган қурилиш саноатида етакчи корхоналаридан бири бўлган 12-Трест АЖ қурилиш саноати корхонаси бугунги кунда тармоқда қурилиш ишларини жадал амалга оширмоқда. Мазкур жадвал маълумотларини таҳлил қилишда 12-трест АЖ қурилиш саноати корхонаси иқтисодий фаолияти таҳлили натижасида қуйидагиларни кўриш мумкин (3-жадвал).

Ёлланиб ишловчи ишчи ва ходимларнинг тоифалари бўйича тақсимланишини ўрганиш натижасида 2021 йил якуни бўйича биргина ишлаб чиқариш ходимлари 81,4 фоиздан юқори кўрсаткични ташкил этаётганлиги, раҳбар ходимлар 4,6 фоизни, мутахассислар, техник ходимлар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар эса 14,1 фоизни ташкил этганлигини ва бу кўрсаткичлар охириги 5 йил давомида деярли бир бирига яқин кўрсаткичларни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Шундай бўлсада, ўрганилаётган 2017-2021 йиллар давомида ишчи ва ходимларнинг сони 12 фоизга кўпайганлигини кўриш мумкин. Ушбу кўрсаткични раҳбар ходимлар синининг 2017 йилга нисбатан 2021 йил якунида 24 фоизга ва мутахассислар синининг 36 фоизга органлиги билан билан изоҳлаш мумкин. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки, корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ва

ҳажмини ошириш раҳбар ходимлар сонини ошириш орқали эришиб бўлмайди.

3-жадвал

**12-Трест Акциядорлик жамиятида ёлланиб
ишловчи ишчи ва ходимларнинг тоифалари бўйича
ТАҚСИМЛАНИШИ (киши)¹⁵**

| Тоифалар | 2017 йил | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил | 2021 йил | 2021 йилда 2017 йилга нисбатан ўсиши, марта |
|----------------------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|---|
| раҳбарлар | 139 | 151 | 164 | 180 | 173 | 1,24 |
| мутахассислар | 230 | 227 | 281 | 313 | 314 | 1,36 |
| техник ходимлар | 55 | 53 | 56 | 62 | 61 | 1,10 |
| хизмат кўрсатувчи ходимлар | 134 | 139 | 148 | 163 | 157 | 1,17 |
| ишлаб чиқариш ходимлари | 2820 | 2468 | 2856 | 3484 | 3079 | 1,09 |
| Жами | 3378 | 3038 | 3505 | 4202 | 3784 | 1,12 |

12-Трест АЖ қурилиш саноати корхонасининг инновацион салоҳияти таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур корхонанинг илмий даражага эга ишчи ва ходимлар билан таъминланганлик даражаси яъни илмий салоҳият кўрсаткичи жуда паст даражада эканлиги яъни 2021 йилда 0 кўрсаткичга тенг бўлганлигини кўришимиз мумкин ва бу кўрсаткич охириги 5 йил даврда ўзгаришсиз қелганлигини кўриш мумкин. Корхонанинг олий маълумотли ишчи ва ходимлар билан таъминланганлик даражаси ҳам охириги 5 йилда 40 фоизга ортганлигини ва бу кўрсаткич 2017 йилда умумий ишчи ва ходимлар сонининг 11,1 фоизни ташкил этганлигини, 2021 йилда эса 12,9 фоизга тенг бўлганлигини кўриш мумкин. Ўрта махсус, ўрта ва тугалланмаган ўрта маълумотга эга бўлган ишчилар салмоғи 87 фоизга тенг бўлганлигини кўришимиз мумкин (4-жадвал).

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўрта махсус ва тугалланмаган ўрта маълумотга эга бўлган аҳоли қатлами, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатлами сифатида қаралиши мақсадга мувофиқдир. Бу эса аҳолининг ушбу қатлами олий маълумотга эга эмаслиги билан, меҳнат бозорида юқори рақобатбардош мутахассис сифатида ўзларини намоён этаолмаслиги билан, иш топишда қийинчиликларга учраётганлиги ҳамда ушбу тоифа қатлам доимий иш ўрнига эга бўлмасдан аксарият ҳолларда мавсумий ишлар билан шуғулланаётганлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрдаги «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги қонунига асосан « аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари - ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ва иш топишда қийналаётган ҳамда меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган шахслар», - деб кўрсатилган, бундан ташқари аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари жумласига умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларини, касб-ҳунар

¹⁵ 12-Трест АЖ маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тузилган.

мактабларини, касб-хунар коллежларини ҳамда техникумларни тамомлаб, касбга эга бўлган ёшлар киритилиши белгилаб қўйилган.

4-жадвал

12-Трест Акциядорлик жамиятида ёлланиб ишловчи ишчи ва ходимларнинг маълумот даражаси бўйича ТАҚСИМЛАНИШИ (киши)¹⁶

| Маълумот даражаси | 2017 йил | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил | 2021 йил | 2021 йилда 2017 йилга нисбатан ўсиши, марта |
|----------------------------|----------|----------|----------|----------|----------|---|
| Жами | 3378 | 3038 | 3505 | 4202 | 3784 | 1,12 |
| <i>Олий</i> | 348 | 351 | 395 | 466 | 489 | 1,4 |
| -бакалаврият ва магистр | 348 | 351 | 395 | 466 | 489 | 1,4 |
| -PhD ва DSc | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| Ўрта махсус | 1960 | 1828 | 2206 | 2227 | 1732 | 0,88 |
| Ўрта ва тугалланмаган ўрта | 1070 | 859 | 904 | 1509 | 1563 | 1,46 |

Ўтказилган таҳлиллардан шуни хулоса қилиб айтиш лозимки, қурилиш саноати корхоналарининг инновацион салоҳияти таркибини ташкил этувчи илмий салоҳиятга эга кадрларнинг етишмаслиги, соҳада инновацион бўшлиқни юзага келишига олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида мазкур соҳада илмий салоҳиятга эга кадрларни жалб этиш орқали корхонанинг иқтисодий-молиявий ва инновацион ривожланиши таъминлаш имконини беради ва шу билан бирга ўтказилган эксперт сўровлари натижасига кўра қурилиш корхонасининг илмий салоҳият даражаси 0,1-0,5 фоиз оралиғига тенг бўлиши кераклиги аниқланган.

Қурилиш жараёнида газобетон блоклари, паркет панеллари ва плиталари, базальтдан тайёрланадиган композит арматура маҳсулот турларларидан фойдаланиш 12-Трест Акциядорлик жамиятининг иқтисодий-молиявий ва инновацион ривожланишини оширишда муҳим ўрин тутди. Бу эса қурилиш жараёнида пишган ғишт, бетон деворлар ва темир арматура маҳсулотлари ўрнини босувчи газобетон блоклари, паркет панеллари ва плиталари, базальтдан тайёрланадиган композит арматура маҳсулот турларларидан фойдаланиш ҳисобига ишчи кучи сарфи 2 марта тежалади, хом-ашёларни сарфи 3 мартага камаяди ҳамда қурилиш жараёни учун сарф қилинаётган вақт 1,3-1,7 мартага камаяди.

Қурилиш тармоғи бир неча ўн йиллар давомида ишчи ва ходимлар учун энг хавфли соҳа бўлиб қолмоқда. У мунтазам равишда ўз вазифаларини бажаришда ишчиларнинг шикастланиши ва ўлими даражаси энг юқори бўлиб

¹⁶ 12-Трест АЖ маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тузилган.

қоладиган учта асосий тармоқлар қаторига киради. Ушбу тармоқда меҳнат қилаётган ишчиларнинг иш вақтида шикастланиши ва ўлим ҳолатлари умумий иқтисодий тармоқларда ишлаётган ишчилар сонининг салкам 20% ни ташкил қилади. Шу билан бирга, ушбу соҳада ҳалигача меҳнат шароитлари анча оғирлигича қолиши кузатилмоқда. Жумладан, қурилиш соҳасининг ўзига ҳос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда айрим тоифа ишчилар меҳнати тоифаларига кўра зарарли ёки хавфли деб таснифлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қурилиш ишлари соҳасидаги меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари меъёрий ҳужжатларнинг узоқ рўйхати билан белгиланади. Бошқа фаолият соҳаларида бўлгани каби, бу ерда ҳам асосий урғу Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунидир. Улар меҳнатни муҳофаза қилишнинг асосий тамойиллари ва қоидаларини, шунингдек, ушбу мақсадга эришишда иштирок этадиган барча томонларнинг асосий мажбуриятлари ва ҳуқуқлари рўйхатини ўз ичига олади.

Юқоридаги келтирилган фикрлардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қурилиш соҳасини ривожлантириш унда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ишчи ва хизматчиларнинг хавфсизлигини суғурталаш ишларини кенгайтиришни талаб этади. Жумладан 12-Трест АЖ иқтисодий фаолияти таҳлилидан шуни кўриш мумкинки ишчи ва ходимлар орасида суғурталанганлар сони охириги 5 йил давомида 100 фоиз кўрсаткични ташкил этган. Қурилиш тармоғидаги ишчи ва ходимларни ижтимоий суғурталаш тизимини такомиллаштириш асосида, яъни ишчи ва ходимларнинг ҳаёти ва турли хил жароҳатлар олишдан суғурталаш тизимини кенг йўлга қўйиш талаб этилади. Бунинг натижасида қурилиш соҳасида меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги бошқарув тизимларига қўйиладиган талабларни белгилловчи стандарт OHSAS 18001 асосида ишчи ва ходимларни иш ўринларида жароҳат олишдан суғурталаш тизими яратилади ва қурилиш майдонларида «хавфсиз қурилиш макони»ни ташкил этиш имконияти пайдо бўлади. Бу эса ўз ўзидан ушбу соҳадаги меҳнат қилаётган ишчи ва ходимлар ҳаёти суғурталаниши, шу билан бирга хавфсиз меҳнат шароитларининг яратилишига тўртки бўлиб хизмат қилади.

Бизнингча, барча йирик қурилиш корхоналари доирасида қурилиш кластерлари ташкил этилиши лозим ва шу билан бирга ушбу кластерлар ўз ичига ишчи ва ходимлар хавфсизлигини суғурталаш тизимини ҳам қамраб олиши талаб этади. Бундан ташқари қурилиш соҳасининг кенг миқёсда ривожланиши ушбу тармоқ маълумотларининг очиқ ва шаффоф бўлишини талаб этади.

Кластерларни ташкил этишнинг асосий тамойиллари сифатида ихтиёрийлик, уч томонлама спирал тамойили (давлат ташкилотлари, бизнес вакиллари ва илм-фаннинг соҳасининг ўзаро таъсири) тамойиллари бугунги кунда иқтисодий назарияда маълум.

Бизнингча, қурилиш саноати корхоналари иштирокида кластерларни ташкил этиш ушбу тамойилларга асосланган ҳолда ташкил этилиши ушбу

